



## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ПСИХОЛОГИК МАСЛАҶАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

*Ибрагимова Л.*

*Ажиниёз номидаги НДПИ ўқитувчиси*

*PhD*

**Таянч сўзлар:** психологик хизмат, психологик маслаҳат, психологик зўриқиш, ижтимоий ривожланиш, коррекциялаш, сюжетли ролли ўйин, мулоқот, “Мен-концепцияси”.

**Ключевые слова:** психологическая служба, психологическая консультация, психологическое напряжение, социальное развитие, коррекция, сюжетно-ролевая игра, общение, «Я-Концепция».

**Key words:** psychological service, psychological consultation, psychological stress, social development, compensation, role-playing game, communion, “I-Kontsepsiya”

Халқ таълими тизимидаги муассасаларда “Психологик хизмат тўғрисида”ги Низомда психологик хизматнинг мақсади белгилаб берилган яъни шахснинг ҳар томонлама шаклланиши, ривожланиши ва мослашуви, болалар ривожланишининг барча ёш даврларида психологик саломатлигини муҳофаза қилиш учун психологик-педагогик шарт-шароит яратишдан иборат. Мактабгача таълим муассасаси психологи-болани яхши билиши, чуқур тушуниши, психик ривожланиш қонуниятларини фарқлай оладиган, турли ёш ва индивидуал хусусиятларини билиши лозим. Психолог ўз фаолиятида нафақат болаларнинг балки, катта ёшдагилар психологияси ҳақида маълумотга эга бўлиши, уларнинг болаларга бўлган муносабати ва қарашларини аниқлай олиши зарур. Психологик хизматнинг асосий йўналишларидан бири бу психологик маслаҳат ҳисобланади.

Психологик маслаҳат мактабгача таълим муассасалари ходимлари ва ота-оналарга болаларнинг интеллектуал, шахсий ва ижтимоий ривожланишининг ёш хусусиятлари, ривожланишдаги бузилишлар



ҳамда кечикишлар, уларни коррекциялаш, шунингдек, болаларни бошланғич синфда ўқишга ва мактабга мослашувига психологик тайёрлаш масалалари бўйича маслаҳатлар беришдан иборат.

Психологик маслаҳат турлари куйидагича бўлади.

- ▶ Болаларнинг мактаб таълимига бориши, бошланғич синфдан ўрта синфга ўтиши, шунингдек, мактабни битириш ва бўлғуси касб-хунар ҳамда таълим муассасасини танлаш масалаларида ўқувчилар, ота-оналар ёки қонуний вакилларга маслаҳатлар бериш;
- ▶ Мактаб-интернатлар, меҳрибонлик уйлари, шунингдек, етим болалар таълим олаётган умумтаълим муассасалари ходимларига таълим-тарбия, болаларнинг ижтимоийлашуви ва мослашувини психологик кузатиш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;
- ▶ Болалар, ўсмирлар ва ёшларга катталар ва тенгдошлари билан бўладиган ўзаро муносабатлар, оилавий муаммолар, хулқ-атвордаги оғишларни бартараф этиш, ўз-ўзини тарбиялаш ва ривожлантириш, шунингдек, ҳаётини ва касбий ўзлигини англаш масалаларида маслаҳатлар бериш;
- ▶ Мактабгача таълим, умумтаълим муассасалари, меҳрибонлик уйлари раҳбарларига педагогик жамоани бошқаришни оптималлаштириш, қўл остидаги ходимлар билан шахслараро муносабатлар, юзага келиши мумкин бўлган низоларни ҳал этиш ҳамда соғлом психологик муҳитни таъминлаш масалаларида маслаҳатлар бериш;
- ▶ Маслоҳат бериш жараёнида тарбияланувчиларда мустақил таълим олиш, ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини коррекциялашга ижобий муносабатларни шакллантириш ҳамда уларни амалиётда қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Маълумки, “Соғлом бола йили” Давлат дастурининг 94-банди ижросини таъминлаш мақсадида фарзанди 5-7 ёшли бўлган ҳар бир ота-онага болаларни мактабга тайёрлашга яқиндан ёрдам берадиган, “Мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талаблари” ва “Болажон” таянч дастури асосида 5 та қўлланма тўпламлари яратилди. Ота-оналарда ўз фарзандларини мактаб таълимига тайёрлашларида турли хил психологик муаммолар вужудга келади, яъни бола китоб билан ишлашни ҳохламаслиги, топшириқларни бажармаслиги ёки бошқа сабаблар. Мана шу жараёнда ота-оналарда ҳам психологик зўрқиш ёки фарзанди билан мулоқот вақтида муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Айнан шу масалада мактабгача таълим муассасаси психологи ота-оналарга ва болаларга психологик маслаҳат бериши зарур. Психологик маслаҳат вақтида психолог имкон даражасида ота-оналарга муаммонинг



ечимини ўзлари топишларига кўмак бериши ҳамда уларни тўғри хулоса чиқаришларига туртки бериб туриши керак.

Психологга ота-оналар турлича сабаблар орқали муурожаат қиладилар. Ҳаётда шундай мураккаб вазиятлар бўладики, ҳатто катталар ҳам бундай ҳолатларни ҳал этишда қийинчиликларга дуч келадилар. Бунга мисол қилиб яқин одамидан айрилиш, ота-оналарни ажрими, оила аъзоларига янги одамни қўшилишини айтиш мумкин. Ҳар бир вазиятда психолог боланинг кучли ҳаяжонланиши, ҳавотирга тушишини аниқлай олиши лозим. Оилага эса бундай вазиятлардан чиқишларида психологик ёрдам кўрсатиш керак.

Юқоридаги муаммоларни ҳал этиш учун болаларда кўрқинчни енгиш, ўз-ўзини англаш ва бошқариш, ўзлигини намоён этиш малакаларини ривожлантириш лозим. Болаларда кўрқинч ва ҳавотирни енгиш ва ўз-ўзини бошқаришларида психологик маслаҳатни тўғри ташкил эта олиш талаб этилади. Бунда психолог қуйидаги вазифаларни белгилаб олиши лозим.

1. Мактабгача ёшдаги болаларни психологик хусусиятларини чуқур билиш;

2. Мактабгача ёшдаги болаларга маслаҳат беришнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва аниқлаш;

3. Болалардаги кўрқинч ҳисси муаммосини ҳал этиш йўллари аниқлаш.

Ҳар бир боладаги кўрқинч ҳиссини олдини олиш зарур, бунда оилада ота-оналар болага ишончли муносабатда бўлиши, ҳиссий алоқаларни бузмаслик ёки ҳиссий томондан ўзларига бўйсундурмасликлари лозимлиги ҳақида психологик кўрсатмалар берилади. Юқоридаги ҳолатларда психолог ижтимоий вазиятларни ҳам ўрганиш зарур бўлади, чунки болалар мактабгача таълим муассасасига келиши билан шахслараро муносабат муҳити янада кенгайди.

Аввало оилавий муҳит (тўлиқ оила, нотўлиқ оила, она билан ўзаро муносабатнинг хусусиятлари, буви ва бувалар муносабати, онанинг ўз фарзандига эътиборсизлиги), бола ва ота муносабати, ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги бирдамлиги, ҳамфикрлиги, бир-бирларига тайзиқ ўтказмаслиги чуқур таҳлил қилинади.

3-7 ёшли болаларда асосий фаолият турлари сюжетли-ролли ўйин ва мулоқотни ташкил этади. Мактабгача таълим муассасасида бола тенгдошлари билан мулоқотга кириша олади. Бола ролли ўйин ўйнашни хоҳлайди ва ўйин орқали ахлоқий, маънавий ва эстетик хулқ-атвор қоидаларини ўзлаштиради ҳамда рия қилишга одатланади. Мана шу фаолият турларини амалга оширишда уйда ва мактабгача таълим муассасасида боланинг эҳтиёжларини қондириш яъни бола учун шарт-шароит яратиш (боланинг дарс таёрлаши ва ўйнаши учун қулайлик яратиш стол-стул, ўқув қуроллари, эр-



так ҳамда расмли китоблар билан таъминлаш) лозим. Болалардаги эҳтиёжни қондириш уларда фаолликни, ўзини бошқариш, психологик ҳимояланиш, ижодий мослашувчанликни юзага келтиради. Болаларга бериладиган психологик маслаҳат асосида уларда ижтимоий муносабатларга киришиш (мулоқотчанлик, ўзаро ҳатти-ҳаракат, катталар ва тенгдошлари билан мулоқот, тадбирлардаги иштироки, ижтимоий муносабатларда меъёрларга амал қилиш, катталарга гап қайтармаслик, уларнинг топшириқларига “хўп бўлади” деб жавоб бериш кабилар) кўникмалари шаклланади. Ролли ўйин ижро этиш болаларнинг ички дунёсини ривожлантиради. Уларда “фикрлаш дунёси”, “ҳис этиш дунёси”, “Мен-концепцияси” ривожланади. Боланинг билиш жараёнларини ривожлантириш ижодий фаолиятга ундайди ва тасаввурни янада кенгайтиришга туртки беради. Болаларнинг билишга бўлган қизиқишларини оширишда машғулотларни қизиқарли ва мазмунли ташкил этиш талаб этилади. Тасаввур ва ҳаёл болаларда мантиқий фикрлашни кенгайтиради шунингдек, билим даражасини юқорилашувига олиб келади. Бироқ айрим ҳолатларда болаларни мактаб таълимига тайёрлашда ота-оналарда хатоликлар учрайди яъни улар:

1. Боланинг ёш хусусиятлари ва ривожлантиришнинг зарурий шартларини англай олмайдилар;
2. Бола билан ҳамкорлик фаолиятини етишмаслиги ёки яқиндан мулоқот қилмаслик;
3. Боланинг ихтиёрий ҳатти-ҳаракатини ҳисобга олмасдан юқори талаблар қўйилиши;
4. Ота-оналар фарзандининг шахсий ютуқларини кўра билмасликлари ёки тўғри англай олмаслиги;
5. Меъёрида тарбияланаётган болага ортиқча талабларни қўйиш;
6. Бола ўйнаётганида ёки ижодий фаолият билан шуғулланаётганида унга ёрдам бермаслик.

Амалий тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, психологик ёрдам бўйича ота-оналарнинг кўпчилиги мурожаат қилмоқдалар. Шу боисдан психолог олим Ж.Жоржнинг ота-оналар учун ишлаб чиққан психологик тавсияларини келтирамиз. Зеро, улар фарзанд тарбиясида хатоликларга йўл қўймасинлар. Ҳурматли ота-оналар!

- Боланинг мустақил равишда ривожланишига ҳалал берманг.
- Уни ўз тасаввурларингиз бўйича қандай бўлишини талаб қилманг ва бир қолишга солманг.
- У қандай иш қилмасин (албатта ижобий фаолият) уни рағбатлантиринг ва баҳоланг.

- Уни кўз остингиздан қочирмасдан эркин фаолият қилишига имконият яратинг.
- Ўзингизда ота-оналик қобилияти борлигига иккиланманг. Ҳеч ким фарзанд тарбиясини охиригача қандай бўлишини билмайди. Ўзингизга ишонинг!
- Боланинг ривожланиши фақат тўғри йўлдан иборат эмас, унда турли хил тўсиқ ва бурилишлар учрайди буни унутманг.
- “Фарзандимга фақат ўзим тарбия бераман” дейишдан йироқда бўлинг, чунки боланинг тарбияси ва келажаги учун бошқалар ҳам қайғуриши маълум. Аммо сизни таъсир кучингиз жуда зарур ҳисобланади.
- Болангизда қобилият борлигига ишонинг. У пластилин эмаски, ундан ҳамма нарса яшаш мумкин бўлса, у барча нарсани англай олади, унга ким устоз бўлишини ўзи танлай олади. Агар унинг ишончини йўқотсангиз, унга таъсир кўрсатиш жуда мураккаблик туғдиради ёки умуман бўлмаслиги ҳам мумкин.

Хулоса қилиб айтганда ота-оналар ва мактабгача ёшдаги болаларга психологик маслаҳат беришда ёш хусусиятлари инобатга олиниши зарур. Оиладаги мураккаб вазиятлар болаларни катталар билан мулоқоти ва боланинг мустақил бўлишга интилиши, унинг психик ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, болаларда юз берадиган муаммолар ота-оналарнинг оиладаги ўзаро муносабатларига ҳам боғлиқ бўлиши мумкинлигини эътиборга олиш керак. Психолог болага ва ота-оналарга психологик маслаҳатни барабар ташкил этиши мақсадга мувофиқ. Ана шундагина бола тарбиясидаги ҳар қандай муаммоларни ҳал этиш осонроқ кечади.

#### Адабиётлар:

1. Возможности практической психологии в образовании: Из опыта работы психологов УЦ «Перспектива». Вып.2 / Под ред. Н.В. Пилипко. - М.: УЦ «Перспектива», 2000.
2. Немов Р.С. Психологическое консультирование: Учеб. для студ. Педвузов.-М.:Гуманит.изд. центр ВЛАДОС, 2000.
3. Венгер А.Л. Психологическое консультирование и диагностика.-М.: Смысл, 2001.-145 с.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада мактабгача таълим муассасасида психологик маслаҳат беришнинг назарий ва амалий жиҳатлари асосланган. Психологик маслаҳат турлари келтирилган. Психологик маслаҳат беришда болалар ва ота-оналар билан ишлаш йўллари кўрсатилган. Ота-оналарга психологик тавсиялар берилган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье обоснованы теоретические и практические аспекты психологической консультации в дошкольном образовании. Приведен практический опыт работы с детьми и их родителями, предлагаются психологические рекомендации родителям.

#### SUMMARY

In the article the theoretical and practical aspects of psychological counseling in preschool education. The given hands-on experience of working with children and their parents are offered psychological recommendations to parents.